

Муршидга итоат



21:04 / 15.11.2018 3476

Муршидга итоат қилишдан аввал унга байъат қилинади. «Байъат» сўзи луғатда «сотиш» деган маънони англатади. Истилоҳда эса Аллоҳ таолога етишиш йўлини биладиган устозга, яъни муршидга бу борадаги тажрибаси ва илмидан фойдаланиш учун шогирд тушиш ҳамда уни лозим тутиб, унга итоат қилишга ваъда беришдан иборатдир.

Бизда «байъат» сўзининг ўрнига «қўл бериш» деган истилоҳ ишлатиладиган бўлиб қолган. Чунки шайхга байъат қилаётган мурид у кишининг қўлига қўлини бериб туриб байъат қилади.

Ҳақиқий шайхлар тасаввуф шайхларига бериладиган байъатни тақво асосида устоз ва шогирдлик аҳдномаси деб билганлар. Шунинг учун ҳам муридлардан байъат олишда қўлни қўлга қўйиб туриб

«Албатта, сенга байъат қилаётганлар фақат Аллоҳнинг Ўзига байъат қилмоқдалар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир. Ким (байъатни) бузса, ўзига қарши бузади, холос ва ким Аллоҳга қилган аҳдига вафо қилса, унга тезда буюк ажр берур» (Фатҳ сураси, 10-оят) ояти каримасини тиловат қилиш билан кифояланганлар.

Шу билан шайх ва мурид орасида устоз-шогирдлик аҳдномаси тузилган бўлади. Шайх ўзининг устозлик вазифасини сидқидилдан, содиқлик ила бажаришга, мурид эса ўз шайхига садоқатли шогирд бўлишга аҳд берган бўладилар.

Яъло ибн Шаддоддан ривоят қилинади:

«Отам Шаддод ибн Авс менга ҳадис айтди. Убода ибн Сомит ҳозир бўлиб, уни тасдиқлаб турди. У деди:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. У зот: «Ичингизда бегона борми?» дедилар. Яъни аҳли китоб. «Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули», дедик. Эшикни ёпишга амр қилдилар ва: «Қўлларингизни кўтаринглар ва «Лаа илаҳа иллаллоҳ», денглар», дедилар. Қўлларимизни бир муддат кўтариб турдик. Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини туширдилар ва: «Аллоҳга ҳамд бўлсин! Аллоҳим, мени ушбу калима ила юбординг. Мени унга амр этдинг ва менга унинг учун жаннатни ваъда қилдинг. Албатта, Сен ваъдага хилоф қилмассан», дедилар. Сўнгра у зот: «Суюнаверинглар, албатта, Аллоҳ таоло сизларни мағфират қилди», де-дилар».

Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган.

Нақшбандия тариқатига мансуб бўлган мурид энг аввал тавба қилади. Бунда у барча ёмон ишлардан бутунлай ажраб чиқади ва Қуръони карим ҳамда Суннатни татбиқ этишга киришади.

“Нақшбандия: вазифалар, зикрлар” китобидан